

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МАТЕРИАЛШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

МАМАТҚОСИМОВ МИРЗАСУЛТОН АБДУРАИМОВИЧ

**КАТТА ҚУЁШ ПЕЧИ ВА БОШҚА ЭНЕРГЕТИК ҚУРИЛМАЛАРНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН УЛАРНИНГ КЎЗГУЛИ
МУЖАССАМЛАШТИРУВЧИ ТИЗИМЛАРИНИ
ОПТИМИЗАЦИЯЛАШ**

**05.05.06 – Қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги
энергетик қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ ТОШКЕНТ – 2017**

УДК: 662.997.537.22

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Маматқосимов Мирзасултон Абдураимович

Катта қуёш печи ва бошқа энергетик қурилмаларнинг самарадорлигини ошириш учун уларнинг кўзгули-муҳассамлаштирувчи тизимларини оптимизациялаш..... 3

Маматқосимов Мирзасултон Абдураимович

Оптимизация зеркально-концентрирующих систем большой солнечной печи и других энергетических установок для повышения их эффективности..... 29

Mamatkosimov Mirzasulton Abduraimovich

Optimization of mirror-concentrating systems big solar furnace and other energetic installations for improving of their efficiency..... 52

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 54

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
МАТЕРИАЛШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

МАМАТҚОСИМОВ МИРЗАСУЛТОН АБДУРАИМОВИЧ

**КАТТА ҚУЁШ ПЕЧИ ВА БОШҚА ЭНЕРГЕТИК
ҚУРИЛМАЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН
УЛАРНИНГ КЎЗГУЛИ МУЖАССАМЛАШТИРУВЧИ
ТИЗИМЛАРИНИ
ОПТИМИЗАЦИЯЛАШ**

**05.05.06 – Қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги
энергетик қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ ТОШКЕНТ**

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/T8 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Материалшунослик институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (<http://fti-kengash.uz/>) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Абдурахманов Абдужаббар

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Искандаров Зафар Самандарович

техника фанлари доктори, профессор

Исманжанов Анваржан

техника фанлари доктори, профессор

Койшиев Темирхан Косыбаевич

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Фарғона Политехника институти

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент ш., Бодомзор йўлиқўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91, e-mail: lutzp@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали.)

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент ш., Бодомзор йўли қўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ кунни тарқатилди.

(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.Л. Лутпуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий

кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.В. Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., профессор

С.А. Бахрамов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

4

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида Қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида қийин эрийдиган ва юқори ҳароратларга чидамли материаллар олиш учун истикболли йўна лишлардан бири Қуёш печларининг ишчи соҳасида лойиҳавий қувватларни сақлаб туришни таъминлайдиган кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимлар самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Шу жиҳатдан Қуёш печларининг кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимларини юстировка қилиш аниқлигини ошириш усуллари ва йўллари ишлаб чиқиш энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимлар конструкцияларини опти маллаштириш орқали энергетика қурилмалари параметрларини узлуксиз назорат қилиш ва бошқариш методларини ишлаб чиқишга мамлакатимиз олимлари томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада компози цион материаллар ишлаб чиқариш ва юқори ҳароратлардаги синтез жа раёнларини амалга ошириш учун бир кўзгули қуёш юқори технологик қурилмаларини ҳамда икки кўзгули схемада бажарилган қуёш печларини ишлаб чиқиш бўйича сезиларли натижаларга эришилган.

Қуёш печларининг ишчи зонасига кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимларни аниқ йўналтириш йўли билан қуёш энергетика қурилмала рининг унумдорлигини ошириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш энер гия йўқотишларини камайитиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назар дан қуёш қурилмаларининг фокал текислигида нурланиш оқими тақсимла нишининг оптик-геометрик ва оптик-энергетик характеристикаларини ҳи соблашнинг янги, такомиллаштирилган методларини ишлаб чиқиш, мидели мураккаб конфигурацияга эга бўлган кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимлардан ва уларни гелиостатлар билан турлича вариантлардаги ула нишларда биргаликда ишлатишда янада самаралироқ фойдаланиш, ҳисоб ланган моделларни стандартлаштириш ва бир хиллаштириш мақсадида ҳисоблаш-тадқиқот ишлари, кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимлар асо сидаги энергетика қурилмаларининг пилот намуналарини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Юқорида келтирилган йўналишлар бўйича

олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини изохлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 мартдаги ПФ-4512-сон «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2013 йил 1 мартдаги ПҚ-1929-сон «Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ноанъанавий қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг замонавий юқори самарали усуллари, технологиялари ва қурилмаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий қилиш борасидаги вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

5

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлатиш усуллари ривожлантириш, бошқа илғор технологиялар ва фотоника, нанотехнологиялар асосидаги қурилмалар ва технологияларни яратиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Кўзгули-муҳассамлаштирувчи тизимлар соҳасидаги илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, шунингдек, Қайта тикланувчи энергия манбалари миллий лабораторияси (NREL, АҚШ), Катта Қуёш қурилмаси жойлашган илмий марказ (SNRS, Франция), Германия аэрокосмик маркази (DLR, Германия), Вейцман институти (Исроил), Platform de Almeria (Испания), Бутунроссия қишлоқ хўжалигини электрификациялаш илмий-тадқиқот институти (ВИЭСХ, Россия), Юқори ҳароратлар институти (ИБТАН, Россия)да олиб борилмоқда.

Дунё бўйича кўзгули-муҳассамлаштирувчи тизимларни ишлаб чиқишда ва қуёш энергетикасида ўтказилган тадқиқотлар натижасида нурланиш энергияси концентраторлари бўлган энергия қурилмалари бўйича бир қатор илмий натижалар олинган, шу жумладан, тарнов кўринишдаги параболоцилиндрик узун нур қайтарувчиларни қўллаб, Loose Industries фирмаси томонидан Калифорниядаги қуёш-газ электростанциясида қуёшни қузиатиш тизими соддалаштирилган; шунингдек, қуёш электр станциялари бўйича ҳам жадал ишлар олиб борилмоқда; бу соҳадаги амалга оширилаётган энг катта лойиҳа ҳозирда 392 МВтли «Ivanpah Solar Electric Generating Station» АҚШнинг Жанубий Калифорния штатида бўлиб, унда 170000 та кўзгулар минорага ёруғликни фокуслаш учун йўналтирилган; Қуёш энергиясини 1000 марта муҳассамлаштириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган, бу соҳадаги энг катта 100 МВт ли лойиҳа Рожастондаги Avera Solar томонидан амалга оширилмоқда; Stirling Solar Energy компанияси 150 КВт гача бўлган Стирлинг двигателлари билан йирик ўлчамдаги қуёш коллекторларини ишлаб чиқармоқда, уларда фойдаланиладиган параболик

коллекторлар сонини 20000 тагача етказиш мўлжалланган.

Ҳозирги вақтда кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимлар самарадор лигини ошириш бўйича назарий, техник ва технологик илмий-тадқиқот ишлари жумладан, тежамкор қуёш концентраторларини ишлаб чиқиш, гелиостатларни юстировка қилиш усулларини такомиллаштириш каби ишлар олиб борилмоқда. Улардан маҳаллий хом ашё асосида изоляторлар, керамик буюмлар ва юқори ҳароратли тоза металлларни олишда кенг фойдаланилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон амалиётида қуёш нурланиши концентраторлари конструкциясининг асосан учта: параболо цилиндрик, параболоид ва яссичизикли турлари кўп қўлланилмоқда. Бу

¹ Обзор международных научных исследований по теме диссертации проведен на основе: The National Labs: Science in an American System, 1947-1974. [1], 2003, ISBN 0-674-00948-7; "France's research agency splits up". Nature. 453 (7195): 573. doi:10.1038/453573a. PMID 18509403; <http://www.circuitodealmeria.-com/en/contact.htm>; и др. источников.

йўналишларнинг ҳар бирида улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Хорижий олимлар У.Бекман, Дж. Даффи, Антонио Луки, С.Клейн, М.Колларес-Перейра, Б.Люларнинг ишлари қуёш энергиясини мужассамлаштирувчи тизимлар ёрдамида бевосита қайта ўзгартириш ва фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатларига бағишланган.

Ҳозирги кунда Францияда (Одейо, 1969) Ф.Тромб томонидан таклиф қилинган ҳамда Ўзбекистонда академик С.А. Азимов бошчилигида ишлаб чиқилган қуввати 1000 КВт бўлган Катта Қуёш Печи фаол ишлатилмоқда. Қуёш энергетикасини ривожлантириш муаммолари билан шуғулланиш, жумладан АҚШ, Испания, Ҳиндистон, Япония ва бошқа давлатларда кенг тарқалмоқда.

Бугунги кунга қадар қуёш концентраторларининг ривожланишига Россия Федерациясида И.В. Баум, Д.С. Стребков, Р.Р. Апариси, Д.И. Тепляков, О.И. Кудрин, В.А. Грелихес, Т.К. Койшиев каби олимлар турли хилдаги кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимларни ривожлантириш орқали ўз ҳиссаларини қўшишди. О.С. Попель томонидан Россия Федерациясининг турли ҳудудлари бўйича қуёш нурланиши ресурсларининг ўртача кунлик қуввати ўрганилиб, қуёш нурланиши энергиясидан турли ҳудудларда самарали фойдаланиш имкониятлари тадқиқ қилинган. Қуёш нурланиши энергиясидан фойдаланиб турли хил иссиқлик ташувчиларини керакли ҳароратгача қиздиришни амалга ошириш масалалари ўрганилмоқда.

Ўзбекистондаги (Паркент, 1987 й.) Катта Қуёш Печи илмий ва ярим саноат қурилмаси сифатида ўтга чидамли ва ўта мустаҳкам керамика, ўта тоза материалларни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқариш, нурланишли қиздириш билан боғлиқ турли технологик жараёнларни амалга оширишда фаол фойдаланилмоқда. 2002-2015 йилларда ушбу қуёш печидан фойдаланиш давомида унинг функционал имкониятларини кенгайтириш борасида илмий ҳамда амалий вазифаларни ҳал қилиш бўйича чуқур модернизация ишлари

олиб борилди. Академик Р.А.Захидов, фан докторлари Ш.И.Кличев, А.Абдурахманов ва С.Ф.Эргашевлар турли хилдаги мақсад ва вазифаларга йўналтирилган кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимларни ривожлан тиришга ва тадқиқот усулларини ишлаб чиқишга И.И. Пирматов, Ю.Б. Собиров, Р.Ю. Акбаровлар ўз ҳиссаларини қўшишди. Хусусан, А.Абдурахманов илмий раҳбарлиги остида Катта Қуёш Печидан фойдаланиш давомида юзага келадиган барча илмий-техник муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган технологиялар ишлаб чиқилган. Юқори ҳароратли матери алларни синтез қилиш учун бир кўзгули ва икки кўзгули энергетик қурилмалар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунга қадар олиб борилган кўп миқдордаги тадқиқотларга қарамасдан, Катта Қуёш Печининг лойихавий қувватини сақлаб туриш ва кўзгуларни тозалаш, гелиостатларни ва концентраторни юстировка қилиш усулларини такомиллаштириш муаммолари ҳал этилмай қолган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан

7

боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Материалшунослик институти илмий тадқиқот ишлари режасининг А-12-014-сон «Катта Қуёш Печидан фойдаланган ҳолда водород, электр ва иссиқлик энергияси олиш учун комбинациялашган ярим саноат қурилмасини ишлаб чиқиш» (2006-2008), ФА–Ф2–Ф040-сон «Қуёш нурланиши энергиясини бошқа энергия турларига самарали қайта ўзгартириш қонуниятларини тадқиқ қилиш, янги физик техник методлар, функционал материалларни излаш» (2007-2011), ФА-А13- Ф026-сон «Оптимал технологик режимларни амалга ошириш ва қуёш энергиясини қайта ўзгартириш учун Катта Қуёш Печининг функционал имкониятларини кенгайтириш» (2009-2011), А4-ФА-0-11780-сон «3÷20 кВт қувватли электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи юқори самарадор, иқтисодий тежамкор кўзгули-мужассамлаштирувчи тизим асосида қуёш автоном юқори ҳароратли энергетик қурилмасини ишлаб чиқиш» (2012- 2014), ФА-А4-Ф031-сон «Қуёш нурланишига материал ва маҳсулотларнинг чидамлилигини синаш учун стенд ва услуб ишлаб чиқиш» (2015-2017) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1000 кВт қувватли Катта Қуёш Печининг технологик ва энергетик йўналишларда фойдаланилаётган кўзгули-мужас самлаштирувчи тизими самарадорлигини концентраторнинг носимметрик лигини ҳисобга олган ҳолда оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қуёш технологик қурилмалари концентраторида қуёш нурларини концентрациялашнинг сонли ва аналитик моделларини ривожлантириш ва уларнинг концентрациялаш характеристикаларини тадқиқ қилиш;

Катта Қуёш Печининг кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимидан фойдаланиш жараёнида унинг элементлари-фацеталарини юстировка қилишнинг тезкор ва самарали усулларини ишлаб чиқиш;

йирик ўлчамли кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимнинг элементлари-фацеталарига шакл бериш усуларини ривожлантириш; куёш нурланиши таъсирига композицион материалларнинг чидамли лигини тезкор синаш, астрономия ва лазер техникаси масалаларини ечиш мақсадида Катта Куёш Печи техник имкониятларидан фойдаланиш; куёш концентраторининг носимметрик конструкцияси ҳисобига фокал текисликдаги нур оқими йўқотилишини ҳисобга олувчи моделни аниқлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти иссиқлик қуввати 1000 кВт бўлган Катта Куёш Печи таркибидаги гелиостатлар, куёш нурланиши концентратори ва технологик минорадан иборат.

Тадқиқотнинг предмети кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимларни юстировка ва назорат қилиш усуллари ва катта куёш печининг эксплуатацион ва техник жиҳатлар ҳисобини умумлаштириш.

Тадқиқотнинг усуллари. Мазкур ишда аналитик математика, геометрик оптика, физикавий оптиканинг методологик асослари, шу билан бирга иссиқлик техникаси ва термодинамика асослари, йирик ўлчамли кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимлар алоҳида ташкил этувчи элемент-

8

ларини юстировка қилиш усуллари, оптик-энергетик характеристикаларини ўлчаш услублари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

икки кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимда куёш нурланишини концентрациялаш модели, куёш ҳаракатининг таъсири ва концентраторнинг барча оптик-геометрик кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимларда мураккаб конфигурацияга эга бўлган концентраторнинг алоҳида соҳаларида нур оқими зичлиги тақсимоти, тажриба натижаларига мос келувчи ҳисоблаш методикаси тақлиф қилинган.

куёш ҳаракатланиши давомида гелиостатлар куёш нурини тўсиб қўйишини ҳисобга олиб Катта Куёш Печининг алоҳида гелиостатларидан тўпланадиган концентрация учун ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган;

технологик жараёнлар унумдорлигини оптик йўллар орқали ошириб беришни таъминловчи концентратор фацеталарига шакл бериш амалга оширилган.

концентратор фацеталарини маълум «тасвир доғини устма-уст қўйиш» методи ўрнига «линзасиз телескоп» методи деб номланадиган тезкор юстировка қилиш усули тақлиф этилган.

алоҳида элементлар-фацетлар, қўшма кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимлар зоналари ҳамда мидалнинг мураккаб шаклига эга бўлган бутун концентраторнинг акс эттирувчи сиртидан фокал доғнинг оптик-геометрик ва оптик-энергетик аниқлигини назорат қилиш усули ишлаб чиқилган.

шторли, роторли-тирқишли затворлар ёрдамида кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимларнинг фокал текислиги атрофида турли узунликдаги ва зичликдаги импульсларни ҳосил қилиш учун махсус усули ва қурилмаси барпо

қилинган такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: йирик ўлчамли кўшма кўзгули-муҳассамлаштирувчи тизимларни юстировка қилиш ҳамда уларнинг оптик-геометрик ва оптик-энергетик хараakterистикаларини назорат қилиш қурилмалари ишлаб чиқилган ва Катта Қуёш Печини оптимал ишлатиш шароитида ушбу қурилмалар апробация ва синовдан ўтказилган; диссертация ишида таклиф қилинган гелиотехник қурилмаларни лойиҳалашга янги ёндошувлар комплекси универсал бўлиб, кўзгули-муҳассамлаштирувчи тизимлар билан ишловчи ўхшаш қурилмаларда қуёшнинг нурланиш оқимини бошқа энергия турларига қайта ўзгартириш сама радорлигини ошириш масалаларини ҳал этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган экспериментал тадқиқотлар таҳлили, тадқиқоти ва синтези учун стандарт дастурий таъминот қўллангани ва яратилган энергетик ва технологик қурилмалар ҳамда синов стендларининг тажриба-саноат текширувлари натижалари билан тасдиқланади. Натижаларнинг тўғрилиги бошқа муаллифларнинг натижалари билан қиёсий таҳлил қилиш, мавжуд физик методологиялар доирасида

9

изоҳлаш, шарҳлаш ва яратилган қурилмаларни эксплуатация қилиш тажрибаси билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижалар турли конфигурацияли кўзгули-муҳассамлаштирувчи тизимлар тўғрисидаги тасаввурлар доирасини кенгайтиради ва чуқурлаштиради. Диссертация ишида келтирилган натижалар янги ва муҳим ҳисобланади. Улардан бир қатор қурилмаларни эксплуатация қилишда (Паркентдаги Катта Қуёш Печи ва бошқа бир қатор имитацион ва қуёш нурланиш оқимининг кўзгули-муҳассамлаштирувчи тизимларида) фойдаланилган ва улардан энергетик ҳамда технологик қурилмаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Катта Қуёш Печининг технологик ва энергетик йўналишларда фойдаланилган кўзгули муҳассамлаштирувчи тизими самарадорлигини ошириш учун ишлаб чиқилган қурилмалар ва усуллар асосида:

Республика иқлим шароитида 110÷500 кВ кучланишда ишловчи юқори вольтли полимер изоляторларнинг хизмат муддатини аниқлаб берувчи «Қуёш нурланиши таъсирида полимер материалларни синаш» қурилмаси «Средаэнергосетьпроект» Акционерлик Жамиятида жорий қилинган («Средаэнергосетьпроект» Акционерлик Жамиятининг 12. апрел 2016 йилдаги маълумотномаси). Қурилманинг амалиётга жорий этилиши натижасида полимер изоляторларни алмаштириш муддати ва шу билан бирга электр узатиш тармоқларининг узлуксиз ишлаши таъминланган;

таклиф этилган мураккаб миқдор шаклига эга бўлган яхлит концентраторларнинг оптик-энергетик хараakterистикаларини, нур қайтарувчи сирт текислигидаги фокал доғни ҳисоблаш усуллари, шунингдек, 10000 та

фацетадан ташкил топган кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимнинг тарки бий элементларини юстировка қилишнинг самарали ва тезкор усуллари «Академасбоб» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан А12-006 сонли «Катта қуёш печи оптик ва энергиявий хусусиятларини ўрганиш мақсадида иккиламчи концентрловчи тизимларни ишлаб чиқиш ва яратиш» грантини бажаришда Қуёш спектрини фокал марказида тақсимланишини ҳисобга олиб концентраторни эффективлиги оширишда фойдаланилган. (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи қўмита томонидан 20 январ 2017 йилда берилган маълумотномаси ФТК-02-13/76). Илмий натижалардан фойдаланиш иккиламчи-мужассамлаштирувчи тизимларни ишлаб чиқиш имконини берди;

водород олишга бағишланган (Zhaolin Wang and G. F. Naterer. Integrated fossil fuel and solar thermal systems for hydrogen production and CO2 mitigation. International Journal of Hydrogen Energy 39(26) February 2014 *with* 14 Reads DOI: 1016/j.ijhydene.2014.01.095, IF) илмий ишда Канада олимлари томонидан Ўзбекистон олимлари (Abdurakhmanov A.A., Mamatkosimov M.A., Paizullakhanov M.S., Saragoza G. Solar technologies in Uzbekistan: state. properties, and perspectives of development. *Applied Solar Energy*, 2012, Vol.48, –P. 84-91.) мақоласининг таҳлили асосида Ўзбекистонда ишлаб турган ва

10

диаметри 40 см бўлган фокал фокусда 3000 градус Целсий олишга мўлжалланган Катта Қуёш печига фокусланган қуёш иссиқлик энергиясини метан буғидан водород олишга ишлатиш кам маблағ талаб қилиши қайд қилинган;

ёқилғи захираси камайиб бораётган шароитда функционал керамика ва цирконий каби материалларнинг юқори температурали ишлаб чиқариш усуллари самарали бўлади (Abdurakhmanov A.A., Mamatkosimov M.A., Paizullakhanov M.S., Saragoza G. Solar technologies in Uzbekistan: state. properties, and perspectives of development. *Applied Solar Energy*, 2012, Vol.48, –P. 84-91.), бу мисолга асосланиб Япония ва Хитой олимлари Френел линзаси ёрдамида мужасамлаштирилган Қуёш энергиясини ишлатиш ҳисобига кулдан кремний намуналари олган (K. Hatakeyama, H. Kaneko, and K. Nishioka. Formation of Silicon from Shirasu Volcanic Ash Using Solar Furnace / *International Journal of Materials, Mechanics and Manufacturing*, Vol. 4, No. 2, May 2016, p.152-155);

параболоидцилиндрик концентраторли қуёш модуллари учун иссиқлик ва масса алмашинуви ҳамда оптиканинг геометрик қонунларини ишлатиб (Abdurakhmanov A.A., Kuchkarov A., Mamatkosimov M.A., and Akhadov. The optimization of the optical-geomtric characterictics of mirror concenting systems. *Applied Solar Energy*, 2014, Vol.50, #4,–P. 244.) иссиқлик фотоэлектрик модули конструкциясининг ҳисоб алгоритмини барпо қилиш учун Россия олимлари томонидан математик моделлаштириш амалга оширилган (V.A. Mayorov, S.N. Trushevskii, and L.N. Lukashik. Study of the Optical-Energy Parametrs of Planar-Type Radiation Receivers in the Structure of Photoeleectrical Moduies with

Parabolic-Cylinder Concentrators. Applied Solar Energy, 2015, Vol.51, #3–P. 209-213.)

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, жумладан, хорижий журналларда 4 та мақола, 1 та монография, халқаро ва республика конференциялар тўпламларида 7 та маърузалар эълон қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, 102 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 42 та расм ва 12 та жадвалдан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этади.

11

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Энергетик ва технологик мақсадларда фойдаланиладиган кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимларни ишлаб чиқиш, яратиш ва эксплуатация қилиш самарадорлигини оширишнинг хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида қуёш энергетика қурилмалари ва станциялари асоси ҳисобланадиган кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимни ҳисоблаш методлари таҳлили келтирилган. Қуёш энергиясини қайта ўзгартиришнинг анъанавий фойдаланилаётган технологиялари фойдали иш коэффициентини ошириш имкониятлари кўрсатилган. Мавжуд назарий ва экспериментал маълумотлар таҳлили асосида масаланинг қўйилиши ифодаланган.

Диссертациянинг «**Миделнинг мураккаб конфигурациясига эга бўлган қўшма кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимларнинг оптик**


геометрик ва оптик-энергетик характеристикалари ҳисоблаш методи касини ишлаб чиқиш» деб номланган иккинчи бобида муаллиф томонидан таклиф қилинган кўзгули мужассамлаштирувчи тизимларнинг реал аниқликлар ва юстировкалаш характеристикаларига эга алоҳида фацетлари, мураккаб конфигурацияга эга бўлган концентратор зоналаридан шаклланган фокал доғнинг оптик-геометрик ва оптик-энергетик характеристикаларини ҳисоблашнинг янги методларига бағишланган.

Йирик ўлчамли кўшма кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимларнинг (Катта Қуёш Печи мисолида) ва қуёш нурланишининг турли зичликдаги оқими имитаторларининг кўп йиллик эксплуатацияси оптик-геометрик ва оптик-энергетик характеристикаларни ҳисоблашнинг мавжуд методикаларини таҳлил қилиш, янгиларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш жараёнида олинадиган экспериментал натижаларни (вақт ўтиши билан ўзгарадиган) янада аниқроқ ифодаловчи ҳисоблаш методикасини яратиш зарурлигини кўрсатди. Бундан ташқари Катта Қуёш Печи мисолида алоҳида фацетлар ва уларнинг юстировкасига 62 та гелиостатлардан алоҳида ишловчи концентраторнинг аниқ зоналарида оптик кўрсаткичларнинг эксплуатация даврида вақт ўтиши билан ўзгарадиган аниқлик характеристикаларига допусklar (кўйилмалар) билан боғлиқ турли омилларнинг таъсирини аниқлаш зарур эди. Концентраторлар оптик-энергетик характеристикаларининг эксплуатация давридаги назорати масалаларини ҳал қилиш бир қатор вазифаларни кўриб чиқишни талаб қилади. Булар, биринчи навбатда, концентраторнинг таркибий қисми сифатида фацетнинг оптик-геометрик

12

сифатлари меъёрлари ва шунга мувофиқ унинг характеристикаларига допусklarни аниқлашдан иборат. Бу масалаларни кўриб чиқиш ва унинг асосида фацетлар ва концентраторнинг параметрларини назорат қилиш, юстировка қилиш методларини ишлаб чиқиш ушбу диссертация ишининг асосий вазифаси ҳисобланади. Масалан, концентрациялаш даражаси $C_{\max}$, $C_{\text{ўрт}}$ ва $C_{\text{опт}}$ ни экспериментал аниқлаш учун фокал текисликда $E(x, y, z = f)$ энергия тақсимланишини ўлчаш зарур.

Тақсимланишнинг ҳисобланган ва экспериментал аниқланиши технологик кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимлар учун, айниқса, аҳамиятли ҳисобланади. Кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимлар акс эттирувчи сиртининг алоҳида зонасидан ёйилиш доғининг таркиби (гелиотехникада ишлатиладиган пароболоиднинг, пароболик цилиндрнинг ҳамда френел кўзгули-мужассамлаштирувчи тизим қисми турли нурланиш манбалари (Қуёш, имитацион нурлантиргичлар)дан кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимлар ўзгартиргичи приёмнигининг нур қабул қилувчи сирти текислигига нурланиш оқимининг тақсимланиш зичлигини ҳисоблаш модели асосида таҳлил қилинади.



Кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимларнинг оптик ўқиға нисбатан думалоқ ва симметрик мидель доимий максимал

апертура бурчагига $U_{\max}$ эга бўлади. Бу хусусий ҳол ҳисобланади ҳамда фокал ва фокал олди текисликларида ёйилиш доғи зичлиги ўзгаришини ҳисоблашни соддалаш тришга олиб келади. Катта Қуёш Печи концентраторининг мидали носимметрик бўлади, 1-расм, қайсики фокал ва фокал олди текисликларида мужассамлашган оқим

1-расм. Катта Қуёш Печи концентратори мидали нинг умумий кўриниши
нинг тақсимланишини ўзгартиришга

олиб келиши мумкин. Уларнинг ҳисобланган ва экспериментал шакллари ва ўлчамлари 2а, б расмда келтирилган.

Ёйилиш доғининг фокал текислигида алоҳида зоналардан шаклланган нурланиш оқими шакли ва зичлиги тақсимланишининг ҳисобланган ҳамда экспериментал катталикларини аниқлаш, концентрацияланган оқимнинг қайта тақсимланиш имкониятларини кўпроқ асосланган ҳолда аниқлаш ва Катта Қуёш Печининг кўзгули мужассамлаштирувчи тизимларидан фойдаланишнинг функционал имкониятларини кенгайтириш имконини беради. Бу, айниқса, ишчи доғнинг турли шакллари ва мужассамлашган қуёш нурланиши зичлигининг тақсимланишини талаб қиладиган композицион материалларни синтезлашнинг юқори ҳароратли жараёнларида ва янги техника буюмларининг ёруғликка чидамлилигини синашда, хизмат қилиш муддатларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Акс эттирувчи сирт тайёрлаш хатоларини ва кузатиш тизими аниқли-

13




Рис.2. Айрим кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимларда фокал доғнинг шаклланиш геометрияси

гини ҳисобга олган ҳолда параболоид шаклдаги кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимлар ёки коцентратор аниқ зонасининг реал оптик кўрсаткичлари учун шаклландиган фокал доғнинг таркиби ва кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимлар ўлчамлари мидалига ўхшаган конфигурацияга эга

бўлади.

Катта Қуёш Печи концентратори миделининг конфигурациясини ҳисобга олган ҳолда фокал доғнинг умумий характеристикалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Катта Қуёш Печи концентратори миделининг конфигурациясини ҳисобга олган ҳолда фокал доғнинг умумий характеристикалари

$y_{mi}, \text{ м}$	$y_{i1}=25,4$	$y_{i2}=27,97$	$y_{i3}=27$	$y_{i4}=16,6$	$y_{i5}=27,2$
$x_{mi}, \text{ м}$	8,825	10,830	10,221	3,568	10,295
$\text{tg}U_i/2$	0,7002	0,7756	0,7535	0,4452	0,7562
U_{i0}	70°	$75,6^\circ$	74°	48°	$74,2^\circ$
$r_{0i}, \text{ м}$	0,1256	0,1256	0,1256	0,1256	0,1256
$r_{2i}, \text{ м}$	0,1872	0,2022	0,1969	0,1505	0,1990
$r_{3i}, \text{ м}$	0,5361	0,8111	0,6959	0,2231	0,7486
$r_{4i}, \text{ м}$	0,5570	0,8578	0,7305	0,2266	0,7875

Фокал доғнинг турли кесимларида тақсимланишининг олинган уму мий характеристикалари материаллар ва буюмларни синтезлаш ва ёруғликка чидамлилиги бўйича тадқиқотлар ўтказишда концентраторнинг тегишли қисмида оптимал танловни ўтказиш ва амалга ошириш имконини беради.

Қуёшнинг мужассамлаштирилган нурланиш энергиясидан технологик мақсадларда фойдаланишнинг асосий афзалликлари Қуёш печида олинадиган ҳароратнинг юқори даражаси (абсолют қора жисм учун 3500° С гача), тоза (аралашмаларсиз), инерцион қиздиришсиз, юқори ҳароратли технологияни оксидловчи муҳитда амалга ошириш мумкинлигидан иборат. Шунингдек, эриган ҳолатгача амалда бир лаҳзада етиш, бирикмаларни синтезлаш мумкинлиги ҳам Қуёш печидаги технологик жараённинг

14

анъанавий - қаттиқ фазали ёки кимёвий технологиялардан афзаллигини кўрсатадиган муҳим хусусияти ҳисобланади. Эритмадаги реакция берилган таркибдаги бирикмаларни реакцияда иштирок этмаган дастлабки компонентлар миқдорлари қолдиқларисиз олиш имконини бериши бу матери аллардан тайёрланадиган буюмларнинг хоссаларига жиддий ижобий таъсир кўрсатади.

Катта Қуёш Печи оптик тизимининг бошқа муҳим афзаллиги берилган спектр таркиби, зичлиги ва таъсир кўрсатиш давомийлиги турлича бўлган ёруғлик нурланиши майдонини яратиш ҳисобланади, бу эса машинасозлик,

авиасозлик, ракета-космос саноатида янги техника узеллари ва буюмларининг ёруғлик ҳароратига чидамлилигини синаш имкониятини беради.

Параболоид учун нурланиш энергиясининг зичлиги идеал ҳолатда фокал текисликда $E_c = 6414 \text{ Вт/см}^2$ ни ташкил қилади:

$$E_c = E_{sm} = \frac{R}{4} \left(\frac{L}{T} \right)^2 T \quad (1)$$

бунда $\sigma = 5,62 \cdot 10^{-8} \text{ Вт/(см}^2 \text{ К}^4)$ – Стефан-Больцман доимийси;

$R = 6,95 \cdot 10^8 \text{ м}$ – Қуёш радиуси;

$L = 1,5 \cdot 10^{11} \text{ м}$ – Ер билан Қуёш орасидаги масофа.

Ноаниқ концентратор учун фокал доғнинг максимал диаметри қуйидагича аниқланади:

$$d_{\max} = 2 \cdot r_{\max} \quad (2)$$

$$r_{\max} = \frac{f \cdot \tan j}{\cos j} \quad (3)$$

Бу ерда $f=18$; $u_{\max}=75,6^\circ$; $j=16'$; $\Delta\alpha=8'$; $\tan(j+\Delta\alpha)=\tan 24'=\tan 0,4^\circ$; $r_{\max}=18(1,6016)^2 \cdot 0,0069(0,3983-1,5513 \cdot 0,0069)=18 \cdot 0,0176/0,3983-0,0107=0,8578 \text{ м}$.

$$d_{\max} = 2 \cdot r_{\max} = 2 \cdot 0,8578 \text{ м} = 1,7156 \text{ м} \quad (4)$$

Катта Қуёш Печи фокал текислигида энергия тақсимотини экспериментал ўлчовлари ва ҳисоблаш натижалари асосида янги ёндошувлар топилди, қайсики уларни физик трактовкаси, ҳамда фокал доғнинг шаклининг математик ёндошувини ҳисобга олган ҳолда бу тақсимотларни ҳисоблашга эришилди, 2-жадвал.

Бу Катта Қуёш Печининг 62 та $6,5 \times 7,5 \text{ м}$ ўлчамли гелиостатлардан иборат майдонидаги гелиостатлар токчаларининг алоҳида гелиостатларидан

ёйилиш доғи характеристикаларини кузатиш ва ўлчаш имкони борлиги туфайли мумкин бўлди. Кузатиш режимидаги алоҳида гелиостатлар концентраторда айнан муайян гелиостатга тегишли бўлган зонани ёритади. Концентраторнинг фокал текислигида алоҳида гелиостатдан ҳосил бўла-

15


диган ёйилиш доғи эллипс шаклига эга ва бу ҳолат фокал соҳада энергия тақсимланишини ҳисоблашни янгича изоҳлашни таклиф қилиш имконини берди.

2-жадвал

Қуёш радиацияси 800 Вт/м^2 бўлганда барча ҳалқали зоналардан нурланиш оқимининг тўлиқ зичлиги

Т/р	Доғ эллипси радиуслари, r_i , см	E_{rj} – Катта Қуёш Печи фокусида g_i эллипси радиуси зонасида энергия зичлиги, Вт/см^2	E_{rj} – барча ҳалқали зоналардан нурланиш оқимининг тўлиқ зичлиги, Вт/см^2
1	$r_o = 12,56$	473,8	
2	$r_{2i} = 20,22$	195,4	700,5
3	$r_{3i} = 81,11$	16,1	
4	$r_{4i} = 85,78$	15,2	

Катта Қуёш Печи фокал текислигида тўпланадиган нурланиш оқими кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимлар оқимининг зичлик тақсимооти 3-расмда




3-расм. Параболид шаклидаги кўзгули- мужассамлаштирувчи тизимлар фокал текислигидаги қуёш нурлари оқимининг зичлик тақсимооти

Концентратор кўзгуларининг 33-гелиостат зонасидан акс эттириш коэффициентининг ўртача қийматлари ювишгача 51% эди, 4 расм. Ювиш вақтида ҳар бир блокдан 8÷10 тадан фацетлар олинди, уларнинг сирти махсус эритма билан тозаланди ва махсус таклиф қилинган оптик услуб билан шакл ҳосил қилинди. Концентратор фацетларининг сирти ювилгач, кўзгуларнинг акс эттириш коэффициенти 70% бўлди. Алоҳида фацет сиртининг ўртача квадратик аниқлиги 5 бурчак минутдан 3 бурчак минутга ўзгарди. Концентратор фацетлари ва гелиостатларнинг акс эттирувчи сиртини ювиш (тозалаш)дан кейин фокал доғнинг энергетик параметрлари жиддий ортди (Катта Қуёш Печининг фокусидан нурланиш оқими энергиясининг максимал қиймати 19,9% га ошди).

16

Концентраторнинг бирламчи юстировкаси мужассам лашган энергия қиймати нинг 23,7% ошишига олиб келади. Концентратор фацетлари “линзасиз телескоп” усули билан юстировка қилинганда мужассам лашган энергиянинг максимал кўрсаткичи 30,4% га ошди. Бунда гелиостат ва концентраторнинг акс эттирувчи сиртининг ўртача квадратура хатоси $\Delta\alpha = 4+4=8$ бурчак минут бўлиши маълум бўлди.



4-расм. 33-гелиостатдан нисбий энергиянинг ювишдан ювишгача ва концентратор “линзасиз телескоп” усули ёрдамида юстировкагача тақсимланиши

Бу тадбирнинг самарадорлигини баҳолаш шуни кўрсатдики, ювиш юстировка ишлари сони 1 йилда бир марта бўлганда Катта Қуёш Печининг эксплуатацияси жараёнида камайган умумий қуввати ўртача 20% га қайта тикланди.

Олинган тажрибавий ўлчаш натижалари ва Катта Қуёш Печи фокал зонасидаги энергия тақсимотини ҳисоблаш асосида, Катта Қуёш Печининг оптик-энергетик ва техник имкониятлари термик жараёнлардаги синтез, масалан, водород ёки электр, иссиқлик энергияларини олишда талаб

қилинадиган юқори энергиялар олиш имкони борлиги кўрсатилди.

Таъкидлаш жоизки, фокал нуктада текисликни концентраторнинг оптик ўқиға перпендикуляр эмас, M_i нуктанинг нормалиға нисбатан перпендикуляр ўрнатишда айрим элементларнинг юстировкаси жараёни соддалашади, шунда элементар тасвир излари фокуснинг устиға кўпроқ аниқликда жойлаштириш мумкин бўлган диаметри $2r_{2i}$ бўлган ихчам доираға айланади.

Янги техника материаллари ва буюмларининг Қуёшдан келаётган нур оқимлари таъсирида эскиришини синаб кўришнинг тезкор методларини аниқлаш ва амалға оширишда синовлар учун талаб қилинадиган Қуёшнинг турли даражадаги зичликда мужасамлаштирилган нур оқимларини яратиш зарурлиги жиддий вазифа ҳисобланади. Бундай шароитлар яратишни Катта Қуёш Печида амалға ошириш жуда қулай.


Диссертациянинг «**Кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимлар оптик геометрик ва оптик-энергетик характеристикаларини назорат ва юстировка қилиш самарадорлигини ошириш**» деб номланган учинчи бобида, концентратор фацетларининг оптик-геометрик ҳамда оптик-энергетик характеристикалари назоратини олиб бориш учун таклиф қилинган усуллар натижалари келтирилган.

17

Катта Қуёш Печининг кўп йиллик эксплуатацияси асосий натижалари таҳлил қилинганда, гелиостат фацетларини автокара негизида махсус 4 дона кўзгули қайтаргичлар асосида йиғилган мослама ва стационар ўрнатилган қуёш нурланиши имитатори ёрдамида юстировка қилишнинг тезкор методикаси фойдаланишға татбиқ этилди. Бу методикадан фойдаланишда илгари қўлланган авторефлексион марка ёрдамида юстировка қилиш методидан фарқ қилган ҳолда концентраторнинг оптик сиртидан гелиостатгача масофа билан боғлиқлик йўқ бўлди, бунинг натижасида об-ҳаво шароитларига боғлиқлик бартараф этилди ҳамда телефон алоқасига зарурат қолмади, иш суръати икки баробар ошди. Юстировка ишлари учун зарур тизим акс эттириш қобиляти 80% дан кам бўлмаган 4 та кўзгудан йиғилган, 5-расм.

5-расмдан кўриниб турибдики, бундай тизим бирламчи нурни 90° га буриш ва уни фацет юзасидаги сиртға йўналтириш имконини беради. Фацетнинг юстировка қилинганлик даражасини қайд қилувчи экранда нур крестчаларининг устма-уст тушиши билан аниқланади.

Катта Қуёш Печининг лойиҳа қувватларига ҳамда максимал оптик энергетик параметрларига етиш мақсадида гелиостатлар ва концентраторнинг юстировка-профилактика ишлари мунтазам ўтказиб борилади. Тадқиқот натижаларига кўра тегишли юстировкадан кейин кўрсатилган пара метрлар ҳисобланганларига максимал даражада яқинлашади.




- а) 1-Гелиостат, 2,3-кўзгули қайтаргичлар 3,4- кўзғалувчан кўзгули қайтаргичлар, 5- куёш нурланиши имитатори, куёш нурланиши имитатори, 6-автокара 7-монитор.
 б) 1-Концентратор, 2- кайд килувчи экран,

5-расм. Кўзгу-қайтаргичлар ёрдамида 62 та гелиостатларни ва концентратор фацетларини юстировка қилиш

Фокус масофаси 18 м ва апертура бурчаги 74° га тенг бўлган Катта Қуёш Печи концентратори кўзгулари нур қайтариш юзаси аниқлиги ($\Delta\alpha$)нинг максимал ($C_{\max}$) ва ўртача ($C_{\text{ўрт}}$) концентрацияга боғлиқлигининг кўзгули мужассамлаштирувчи тизим нур қайтарувчи юзасининг аниқлик характеристикасига таъсири ба расмда келтирилган. Катта Қуёш Печи концентратори кўзгулари нур қайтариш юзаси аниқлиги ($\Delta\alpha$)нинг фокал

18

текисликдаги нурланиш оқими зичлиги (E_s)га боғлиқлиги 6б-расмда келтирилган.



а) б)

6-расм. Кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимнинг нурланиш оқими зичлиги ва концентрациясига нур қайтариш юзаси аниқлиги ($\Delta\alpha$)нинг боғлиқлиги

Ушбу методика бир ойда кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимнинг ҳамма 62

та гелиостатларини юстировка қилиш имконини беради ва уларнинг ҳолатини 0,5 бурчак минутгача юқори аниқликда баҳолаш имкониятини таъминлайди.

Концентратор фацетаси бурчак ҳолатини назорат қилишнинг фацет тасвири доғини диафрагмалаш орқали кўриб чиқилди. Диафрагма тирқиши радиусини аниқлаб берувчи формула олинди. Методнинг диафрагма девори қалинлиги ва фацет параметрларини ҳисобга олган ҳолда сонли баҳолаш имкониятлари кўриб чиқилди. Ушбу метод концентраторда ишчи ҳолатида турган фацетани нафақат юстировка ва назорат қилиш, балки фацетанинг геометрик хатолиги ва эгрилик радиусини баҳолаш мумкинлиги кўрсатилди

Диссертациянинг «**Катта Қуёш Печи мисолида қўшма кўзгули мужассамлаштирувчи тизимларнинг функционал имкониятларини кенгайтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш**» деб номланган тўртинчи бобида нафақат ўтга чидамли ўта тоза материалларни синтез қилиш ва янги техника узеллари, буюмларининг нурланишга чидамлилигини синаш технологик қурилмаси, балки тунги осмонда Черенков гамма манбаларининг иккиламчи нурланишини топиш, иссиқлик, электр энергияси ва бир вақтда водород олиш ҳамда мужассамлаштирилган нурланиш оқимини лазер нурланишга айлантириш технологияларига ишлов бериш бўйича Катта Қуёш Печида амалга оширилган тадқиқотнинг янги йўналишлари келтирилган.

Техник водород олиш учун Катта Қуёш Печидан фойдаланиш имкониятлари ва у ерда пўлат трубадан ўраб тайёрланган конуссимон кўринишдаги қизитгичда 10 атмосфера босимга ва ҳарорати 700°С гача бўлган туйинган буғ ҳосил қилиш таклиф қилинди.

19

Астрофизик тадқиқотлар ўтказишда 1000 кВт қувватли Катта Қуёш Печи оптик қурилма сифатида тунги осмонда Черенков нурланиши манбаларининг иккиламчи гамма нурларини қайд қилиш имкониятлари натижалари кўрсатилди. Ёруғликни йиғиб берувчи юзасининг катталиги (1800м²) ва юқори аниқликка (~5') эғалиги туфайли Катта Қуёш Печида астрофизиканинг долзарб муаммолари, яъни юқори энергияли гамма квантлар ва оптик барстерлар манбаларини ўрганиш ва қидириб топиш масалаларини ечиш имкониятлари мавжуд.

Катта Қуёш Печи мужассамлаштирилган қуёш энергиясини иттрий алюминийли гранат асосида лазер нурланишига қайта ўзгартиришнинг оригинал технологияси ишлаб чиқилган. Қуёш нурланишини лазер нурланишига самарали қайта ўзгартириш учун Катта Қуёш Печининг оптимал энергетик параметрлари аниқланган. Ишчи ўлчами 6х130мм бўлган ҳар бир Nd:YAG актив элементдан 80 Вт гача қувватли лазер нурлари Катта Қуёш Печининг фокал зонаси марказий қисмида 13х13см юзада қурилманинг 40% қувватидан фойдаланган ҳолда олинди.

Диссертациянинг «**Катта Қуёш Печида турли қувватдаги ва**

